

10.943

**ТАБИЙ ГАЗНИ УЛГУРЖИ  
ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА  
ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ  
ШАРТНОМАСИ**

№ 01/05

**Фарога 2012 Ўзб.**

2022 йил 05.01 даги  
01/05 -сон шартномага  
ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

РЎЙХАТИ

Фойдалатилган турини: Агрегат Борнинг

Квартал №										
-----------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Табиий газ тарифи: 660 сўм 60 тийин

№	Корхона, участка, нех номи	Агрегатлар		Лойihalay газ сарфи, м.куб/соат	Табиий газ хисобга олган приборларнинг турлари
		номи	сони		
1	<u>Архив АТБ</u>	<u>1</u>	<u>22</u>	<u>122</u>	<u>ПДМЧ-16 500Ю24</u>

Келишилган:

Етказиб берувчи: Х.И.Ш.У.С.  
Рахбар: Мухор Убайдуллоев  
Имтоси: Мухор Убайдуллоев  
Мухор Убайдуллоев

Истеъмолчи: Мухор Убайдуллоев  
Рахбар: Мухор Убайдуллоев  
(Ф.И.Ш.)



Табий газни улуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш

**ШАРТНОМАСИ**

2022 йил 05-01 -son 01/05 -сон Фарғона шаҳри (шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи

Марказиёқ шартнома довлан

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбар Э.Тешабоев.  
Бир томондан Низомга асосан фаолият юритувчи "Худудгаз Фарғона" газ таъминоти филиали (газ таъминоти таъминоти номи кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади), директор У.Рашидов иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишидан буюртмаюмаси бўйича табий газ (кейинги ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатига амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, гадаи фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган мсбўрларга (Табий газдан фойдаланиш қондаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хитмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжини тўқдм этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмолатини тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2021 йилда 2575 куб.м, нархи 1699500 миң сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагича тақсимланади:

I чорак	4546	Миңг	январь	1515	Февраль	1515	март	1515
II чорак	1500	Куб.м, Миңг	апрель	500	май	500	июнь	500
III чорак	1500	Куб.м, Миңг	июль	500	август	500	сентябрь	500
IV чорак	1515	Куб.м, Миңг	октябрь	1515	ноябрь	1515	декабрь	1515

Етказиб берувчи томондан хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ таъминоти тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорига қайд этилган стратегик ва иқтисодий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20-йилда зарур бўлган табий газнинг миқдорини ҳажми \_\_\_\_\_ миңг куб метрлик, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича куйидагиларни ташкил қилади:

I чорак	Миңг	январь	Февраль	март
II чорак	Куб.м, Миңг	апрель	май	июнь
III чорак	Куб.м, Миңг	июль	август	сентябрь
IV чорак	Куб.м, Миңг	октябрь	ноябрь	декабрь

1.5. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаюмасини тақдм этмаса, Етказиб берувчи томондан чорак учун ажратилган табий газ ҳажми ойлар бўйича бир ҳад микдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томондан навабатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти таъминотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортнқча олинган газ микдори деб ҳисобланмайди.

**II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ**

2.1. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сановат ва коммунал фойдаланиш учун табий ёлувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик мсбўри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш долатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичнда газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

*Магистрал ч. Ширтаев ч. 683  
1 (73) 237-30-49, (73) 237-42-80*

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш юкшартirilishiга қадар қамида 24 соат аввал бу ҳақда хабардор қилиши шарт, магистрал газ қурулларига юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол юкшартirilади ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қурулларининг технологик иш режими лари бузилганда, шунингдек, куз-ҳиш мавсумида иқтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчининг оғоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи жа захира ёқлиги туридан фойдаланишига ўтади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор, маълумотларини мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарлигини ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёқлиги туридан фойдаланишни қўлда тутуши ва уни старик микдорда (3 ойдан кам бўлмаган мўддага) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш фойдаларига мувофиқ захира ёқлигига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўнги тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГПП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишига тегишли шартларини олиши шарт. Газ тармоқларига улаиши Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов режимоилари ўзгариш ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни қилиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимоилнинг ягона узлуксиз технологик жарайинини ҳисобга олиб, табиий газни ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

### III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ микдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаи ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик микдори стандарт шартонда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимоий параметрлари (стандарт шартонда, азот ва карбонат ангирида) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ микдори "Ўзстандарт" агентлигининг метрий-ҳуқуқий хужжатлари талабларига мувофиқ газ микдорини стандарт шартонга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

3.4. Етказиб берувчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси унинг мулк ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қондалар ва метрийларга мувофиқ амалга оширилади ва Етказиб берувчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

3.6. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлашни амалдаги қондалар ва метрийларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

3.7. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлашни давомда O<sub>2</sub> DSi 8.030:2008 "Ёюлти ва энергия. Ҳисобга қўйилдиган умумий талаблар", O<sub>2</sub> DSi 8.031:2008 "Ёюлти ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлаштириш" давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиши.

3.8. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги метрийлар ва қондаларга мувофиқ бўлиши керак.

3.9. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари "Ўзстандарт" агентлигининг жорий қийслов кўригидан ўтказилган сертификатни ва ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплексларининг қийслов кўриқдан ва ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини "Ўзстандарт" агентлиги белгилайди.

Газ ўлчаш приборлари ва ёки ўлчов комплекслари эгаси газ ўлчаш приборларини қийслов кўригидан ўтказиш ва ёки ўлчов комплексларини (ва унинг

таркибий қисмларини) “Ўзстандарт” агентлигида метрологик аттестациядан ўтказишнинг ўз вақтида бажарилиши учун масъулдир.

3.10. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кўёслов кўриги/калибрлаш, торайиш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эхтиёжлари асосида келишув бўйича ва юқсала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

3.11. Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (кўёслош кўриги/калибрлаш, торайтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эхтиёжлари асосида келишув бўйича ва юқсала томоннинг вакиллари иштирокида амалга оширилади.

Газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш, ўрнатиш, уни ишлаб чиқарувчининг талабларига ва амалдаги меъёрлар ва қондаларга мувофиқ эгаси (ёки унинг сервис хизмат кўрсатувчи вақили) томонидан амалга оширилади.

Етказиб берувчининг вақилини газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексининг эгаси қаҳқарали. -

3.12. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Етказиб берувчи билан келишлади.

3.13. Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига кўриштилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига киритишни таъминлайди. Етказиб берувчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

3.14. Етказиб берувчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажминини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутанлига Истеъмолчи жавобгардир.

3.15. Етказиб берувчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Етказиб берувчи вакилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиқсиз киришини таъминлайди.

3.16. O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишлаб гайритабий, ҳолатлар юзга келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдорини ҳисобланади (корректуровка). Ўлчаш қурилмаси ва /ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бундан мустасно.

3.17. Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қўйилган ҳолларда тамгалаламаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади.

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмола қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгартirilганда - охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бақдаларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – кўёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан кўёсловдан ўтказилиб, сертификат олиниб жойига ўрнатилган кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини кўёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш муддати туғандан – кўёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш муддати тугаган кундан кўёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган тамгаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимчалик ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ қўлуралида ёки ГПларда асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) Газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табийий газни истеъмола қилиш ҳолатлари аниқланганда– ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво муддатидан орттиқ бўлмаган муддатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки етказиб берувчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда, (Ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот дари учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмола қилинган табийий газ

ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайда этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг руҳсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги хатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, хатлов далолатномаси мазҳуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти, вақили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштиримасдан истеъмолчи томонидан кўшимча газ қурилмаси ўрнатилиш ҳолати аниқланганда (кўшимча газ аяқомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослаштирувчи ҳужжатлар мазҳуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг метрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки чегарасида олинади.

3.19. Етказиб берувчи томонидан етказиб берилмаган газ ҳажмининг нишончилигига тасйир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи "ўзстандарт" агентлиги бўлималарида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар<sup>3</sup> ҳисобга олиш прибори ишдан чиққандаёки ҳисобга олиш приборидан газ сисиб чиқши ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичнда Етказиб берувчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек қорхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Етказиб берувчи билан биргаикда ўчйриб тамгаланишини таъминлашни шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сисиб чиқши ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вақили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (O'z DSi 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

## IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОбНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонуналикка мувофиқ белгиланади.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камда 5 кун олдин Етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми қийматининг 100 фоиз суммасини олдидан тўлабди.

Ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин ҳисоб-китобни 50 фоиз олдидан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш ҳоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб етказиб берилган табиий газ учун 50 фоиз олдидан ҳақ тўлаш асосида ҳисоб-китоб қилиш тўғрисида Етказиб берувчига билдирги тартибда мурожаат қилишга ҳаққидир. Бундай ҳолатларда истеъмолчилар ҳисоб-китоб даври бошланишидан камда 5 кун олдин газ таъминоти ташкилотининг ҳисоб рақамига табиий газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган ойлик табиий газ ҳажми қиймати суммасининг 50 фоизи миқдоридан олдидан ҳақ тўлашлари шарт. Амалда истеъмол қилинган табиий газ ҳажми учун якуний ҳисоб-китоб ҳисобот ойининг охиригача амалга оширилади.

4.4. Истеъмолчига газ олдидан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдидан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва иқтимоий аҳамиятта эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қалар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва иқтимоий аҳамиятта эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш охи туғандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилгандан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан

олдидан келишимасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги хажмлардан ортиқча олинган табиий газ қийматига нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва соғлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хиз (электр таъминоти носозлиги, чакмоқ, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ хажмини ўрнатилган газ асбоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги хажмлардан ортиқ хажмларини ташқил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.10. Табиий газ учун Истеъмолчининг тўлов мuddати ўтган кезини мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолатда тўлов мuddати ўтган кезини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган мuddатларда етказиб берилган газ қиймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи мuddати ўтган ҳар бир кун учун мuddати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин мuddати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ хажми Етказиб берувчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ПХНА)га уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосда, қўйинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига юритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолатда юритиш орқали аниқланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси ва электрон ҳисоббарак-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасига бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик бўҳотинларнинг хажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги; Бунда Истеъмолчи баласида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотинлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.15. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва электрон ҳисоббарак-фактурани қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.16. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоласлик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ хажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Уланган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий аке эътириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна туталгандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрисида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Етказиб берувчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзaro ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқилиши керак.

4.17. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Етказиб берувчи томонидан қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.18. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ хажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган гаждан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичида тўлик қувват билан ишлаб туриши ҳисобидан аниқланади.

4.19. Газ учун амалдаги тарифлар (нарсалар) ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи бу ҳақдаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунида белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади.

## V. ХУКУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУТНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилши, Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланмаган ва икки нусхада тузилган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ хажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мажбур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ хажми қийматининг ўндирилиши Истемолчинини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилмайди.

#### VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истемолчида қуйидаги ҳолатларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу ҳолатларнинг бартараф этилувигига қадар газ тармоқларидан узиб қўйилади:

- шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда;
- Етказиб берувчи вакиллари билан фойдаланиш усуналари ва ҳисобга олиш курилмаларини назоратдан ўтказишга йўл қўйилмаганда;
- фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ўз вақтида амалга оширилмаганлиги натижасида қардорлик мавжуд бўлганда;
- шартномада белгиланган буюртмаларга етарли миқдорда олинган тўловлар амалга оширилмаганда;
- Етказиб берувчининг ва "Ўзнефтигазиспекция"нинг кўрсатмалари бажарилмаганда;
- ҳисоблаш приборларига қасдан зарар етказилганда, прибор кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқонлик қилувчи хатти-харажатлар амалга оширилган ҳолатларда;
- газни ҳисобга олиш приборларига ташқи таъсир кўрсатишига ҳарқат қилиш;
- Газдан фойдаланиш қондаларига эйд равншла газ тармоқларига ноқонуний уланиш ёки бошқа қондабурилликлар ёқуд газни тазон-тарожд қилиш ҳолатлари аниқланганда;

Бунда Етказиб берувчи газ таъминотининг ўндирилиши натижасида етказилган моддий зарар ёки бой берилган фойда учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

6.2. Тармоққа қайта уланишда амалдаги конунчиликка мувофиқ Истемолчидан базвий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда ҳақ ундирилади. Шартноманинг 13.1.-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Газ истемолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ) ларига уланишга истемолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳақ ўндирилмайди.

#### VII. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

- ўзига қарашла бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда сақлаш ва уларни ўз ҳисобдан таъмирлаш-тиклаш;
- ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда руҳсатсиз уланишларини аниқлаш учун даврий қўздан кечирини;
- табиий газ етказиб бериш қосқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида Истемолчиларни хабардор қилиш;
- газ ҳисоблаш усуналаридан олинган ариқив маълумотларини, электрон маълумотларнинг барча параметрларини қамқда уч йил мобайнида ўзнда сақлашни таъминлаш;
- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган ҳолатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилувигига қадар табиий газ таъминотини қўйимча оғоқланттиришларсиз тармоқдан ўчирини;
- табиий газнинг руҳсатсиз истемол қилинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг тазон-тарожд қилинганлиги тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилиш оргanelларини хабардор қилиш;
- Истемолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;
- қонулда назарда тутилган тартибда монополияга қарши давлат оргanelларининг тақдирномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;
- Етказиб берувчи ва нақолатли давлат оргanelларининг мажбурий кўрсатмаларини бажарини;
- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофиқ истемолчиларининг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи усуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;
- Газдан фойдаланиш усуналарини 5 сутка мудат ичида алмаштириши;
- Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- техник заруратга қўра, Истемолчини белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қосқартириш ёки тўхтатиш;
- газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоқдан узиб қўйиш;
- Истемолчилардан табиий газдан фойдаланиш қондалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;
- табиий газни етказиб бериш шартномасини иқро қилишдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечкириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзга келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор қилган ҳолда; табиий газни отказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;
- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қондабузарликлар бартараф этилувигига қалар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ отказиб беришни тўхтатиш.
- табиий газ отказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

### 7.3. Истеъмолчи қуйдагиларга мажбур:

- ҳисобот ойда табиий газ отказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини ва ҳисоб-парақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб беришнинг электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.
- газдан оқилона ва текамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва усқуналарини техник жикхатдан соз ҳолатда сақлаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш усқунасида вужудга келган табиий газ снгиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз улавишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги усқуналарни муштатам равншла кўздан кечириб чиқиш;

- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициқатлашмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛПХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш усқунасининг уланишига йўл қўймаслик;

- газ отказиб беришчи вақтлари ва "ўзсифтаинспекция" ҳодимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишчи ҳисобга олиш приборларини ва ёки газдан фойдаланиш усқунасини қуниинг исталган вақтида эркин кўздан кечирилишини таъминлаш;

- газдан фойдаланиш усқунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ҳодим ёрдамида) бартараф этиш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўнгартириш мақсадида уларнинг ишлагига тўққонлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг касдан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.

- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини беришчи газ истеъмолчини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ПТХНАТ-АСКУГ) тизимида уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш.

7.4. Истеъмолчи Етказиб беришчида қуйдагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- отказиб берилган табиий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб беришчининг табиий газни истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари ишлагининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

- табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва отказиб бериш режимида риом қилган ҳолда узатилиши;

- табиий газни отказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

- табиий газни отказиб бериш шартномасини қонуи ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

- табиий газни отказиб бериш тўхтатилганда, зарарин қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);

- газ отказиб беришни вақтинча тўхтатиш.

Истеъмолчи қонуи ҳажмига ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб беришчи Истеъмолчига газ отказиб бериш шартномасига асосан газ отказиб берилмаган ёки тўлик отказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплайди.

Етказиб беришчи газни отказиб берилмаганлик ёки тўлик отказиб берилмаганлик учун қуйдаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

- Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш усқунасини руҳсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;
- фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- қонуи ҳужжатларда назарда тутилган ҳолатларда.
- истеъмолчи томонидан шартнома талабларига аман қилинмаганда;
- мамури шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандларида кўрсатилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб беришчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилганда, Етказиб беришчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари миқдоридида жарима қўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ отказиб берилган тақдирда, Етказиб беришчига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг "Ҳўжалиқ юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида" ги Қонуи асосида жарима санкциялари қўлланилади, қуйдаги ҳолатлар бундан мустасно:

- форс-мажор ҳолатлар;
- магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида авария ҳолатлари юз берганда;



в) киш даврида вақтинча газ етказиб бериш чекланганда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларда Тошкент шаҳри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоқидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатиغا киритилган қорхоналардан ташқари);

г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар, газ қиймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддатли ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирок етказиб берилмаган газ қийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддатли ўтган ҳар бир кун учун муддатли ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, бирок муддатли ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

## IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тadbик этилишини ифода қилади ва қафолатлади.

9.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қўйлағчиларни қафолатлади ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вақиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

## X. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзга келган тақдирда томонлар қондага кўра, уларни сулҳга хал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни хал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги Иқтисодий сулҳа мурожаат қилишга ҳаққидилар.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий офатлар;

б) магнстрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни қайта ишлаш қорхоналари ва газ қазичилари жойларида кўтнлмаган авария вазиятлари юзга келганда, шунингдек енгиб бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий офатлар, хусусан, сел, ёғир, сув тошқини, ёнгин чиқоши, ер қимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемия даврида ҳамда Ҳукумат қарорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имқонини бўлмади қолганда жавобгарликка жалб этилмастан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қисқартириш ёки муносабатларини тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзга келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортик кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

## XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имқоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган қундан бошлаб кучга қиради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 декабрга бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилди, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш

ХИҲ. ТОМОҢЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>«ИСТЕЪМОЛЧИ» <i>Мажмаи ҳаққон</i> <i>давлат сарфи</i> (бюджет ташкилотлари, ҳудудлик юритувчи субъектлар номи)</p>	<p>«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ» «Хулугаз Фаргона» газ таъминоти филиали</p>
<p>Почта манзил: <i>Мажмаи ҳаққон</i> <i>Муеставиллик 683</i> ОКПО: <i>15023952</i> коди ОКЭД: <i>91010</i> Мулоқот телефони: <i>73 237-30-49</i> Газ/х: <i>2340200030010001010</i> Банк номи: <i>Морф. Банк ХММ</i> МФО: <i>00014</i> ИНН: <i>201122919</i> ш/х: <i>10002186030412730006</i> <i>1111 20114 121</i> <i>хр. Ҳаққон Д.И.И. Ҳаққон</i> (газтаъминот бўлими номи)</p>	<p>Почта Манзил: Фаргона вилояти Фаргона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси №76-уй Тел./факс: 73-229-04-13 х/р: Банк номи: «Узсаноатқурлишбанк» Рақат филиали МФО: 00435 ИНН: 306 605 769 ОКЭД: 35220 Х/Р: 22634000205113960449</p>
<p>Рақбар: <i>Ҳаққон</i> (Ф.И.Ш.) Ичмас: <i>Ҳаққон</i> Мухр ўрни: <i>Ҳаққон</i></p>	<p>Рақбар: <i>Ҳаққон</i> (Ф.И.Ш.) Ичмас: <i>Ҳаққон</i> Мухр ўрни: <i>Ҳаққон</i></p>

Юридик маслаҳатчи ҳушасис:

(Ф.И.Ш.) \_\_\_\_\_ (имзо, муҳр)  
**HUJUDGAZ FARG'ONA" GTF**  
 XWLOSA  
 Sharhoma shartli o'zlashtirish Respublikasining  
 "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatini qonunmoy-tuvsuviy bazasi y'g'risida" qonuni talablariga muvofiq  
 Mutaxassis yurist

тўғрисида талаб билан муносабат қилмаган бўлса, шартнома қиймати билан уайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили " \_\_\_\_\_ " йил 31 декабр санасига" амал қилишлари лозим.  
 12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида сўраб чиқолади.

**ХИҲ. ЯКУНИЛОВЧИ ҚОНДАЛАР**

13.1. Томонлар ўртасидаги барча қелишмовчиликлар ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Томонлар ўзаро қелишуга эришмаган тақдирда икки жаҳобга жойлашган жойдаги тегишли суд томонидан ҳал қилинади.  
 13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нускада тузилган, иккала нуска ҳам бир хил юридик қучта эга.

*Ҳ-к М. Ҳаққон*